

Баҳодиржон Шокиров

ЭНГ ЯНГИ
масаллар

Eng Bahodirjon
Shokirov yangi
masallar



Тошкент 2014

УЎК: 398.21

КБК: 76.01

Ш - 75

Шокиров Б.

Энг янги масаллар / Б.Шокиров. – Тошкент:
Янги аср авлоди, 2014. – 200 б.

Муаллифнинг навбатдаги китобидан жой олган масалларда инсондаги ташаббускорлик, изланувчанлик, қатъиятлилиқ фазилатлари улуғланади. Аксинча, тепса-тебранмас, ялқов, боқиманда инсонлар нафақат ўзига, оиласига, балки жамиятга ҳам зарар етказиши мўъжаз масаллардаги ҳайвонлар образи орқали очиб берилади.


ISBN 978-9943-27-303-0

© Б.Шокиров. «Энг янги масаллар», «Янги аср авлоди». 2014 йил.

Kitobxon.Com



Масаллар



1. Тулки билан Қарға

Иттифоқо, Тулки йўлдан бир қоп бойлик топиб олди. Уни базўр кўтариб, катта дарахт тагига етиб келди ва дам олгани чоғланди. Дарахт шохида бу ҳолни кузатиб турган кекса Қарға Тулкидан сўради:

– Салом, қадрдон! Қопингдаги нима? Қийналиб кўтаришингдан у жуда оғир кўринади?

Тулки деди:

– Қани топ-чи, ўзинг нима деб ўйлайсан?

Қарға ўйланиб туриб:

– Бирон товуқхонага тушган кўринасан. Сендан яна нимани ҳам кутиш мумкин? – деди.

Тулки:

– Бу билсанг, олтинларим, менинг асл бойлигим! Эртанги порлоқ куним! – деди керилиб.

Қарға деди:

– Қўй уни, ортингдан овчи келяпти. Фурсат ганиматида қочиб қол! Олтинларинг умрингга бўлмасин завол!

Тулки деди:

– Нима? Шунча бойликни қолдириб-а? Қанчалар оғир бўлмасин, уларни ўзим билан олиб кетаман!

Шундай дея Тулки қопни базўр орқалади. Лекин ҳеч қанча юрмасдан овчига рўбарў бўлди. Кун битганини англаган Тулки ўзига-ўзи деди: «Қайданам шу бойликка кўнгил қўйдим-а?!».

Алқисса, ҳазрат Фаридиддин Аттор айтганларидек:

*Кимни зар мафтун этар, гумроҳ ўшал,
Юз тубан тушгай, асири чоҳ ўшал.*

2. Арча билан Эман

Ўрмон четида Арча билан Эман дарахти ўсарди. Фасллар алмашиб, қаҳратон қиш келди. Қор ёға бошлади. Тез фурсатда бор-

лиқни қалин қор қоплади. Шунда Арча Эманга деди:

– Дўстим, қор билан ўчакишма. У сени эзиб, нобуд қилади.

Эман деди:

– Шу енгил қор парчалари мени нобуд қиладими? Ишонадиган гапни гапир!

Арча деди:

– Улар жуда кўп. Адоғсиз ёғаверса, бо-шингга кулфат келиши аниқ.

Эман яна қайсарлик билан деди:

– Кўрамиз, сен қўрқаётган ўша майда қор парчалари зўрми ё менинг метиндек танамми?

Қор аксига олиб бўралаб ёғаверди.

Арча қоматини эгиб олди. Эман танаси музлаб, қалин қорни кўтара олмай, белидан узилди.

Алқисса, қайсарлик, кўр-кўрона ўчаки-иши ҳеч кимга голиблик тақдим этмай-ди.

3. Балиқча

Кўп вақт аквариумда яшаган Балиқчага дедилар:

– Агар сени шу идишдан озод қилсак, денгиз бўйлаб сузиб кета оласанми?

Балиқча бунга жавобан деди:

– Албатта, суза оламан! Ахир денгизда ҳам сув бор-ку!

Балиқчани аквариумдан олиб, аста денгизга қўйиб юбордилар.

Балиқча денгизда суза бошлади, лекин у бир жойда айланиб сузарди. Шунда ундан сўрадилар:

– Нега сен айланиб сузаясан? Олдинга қараб ҳаракатлансанг бўлмайдими?

Балиқча деди:

– Бурнимни деворга уриб олишдан қўрқяпман-да!

Алқисса, бир хилда фикрлаш инсонни қўрқувда ушлаб, олга силжишига йўл қўймайди.

4. Тулки ва Тошбақа

Катта ариқ бўйлаб кетаётган Тулки Тошбақани кўриб қолди. Очлиги эсига тушиб кетиб, шундай деди:

– Сендаги қалқон ҳеч кимда йўқ! Яратган сени кўп суйган-да. Айт-чи, сенга тез юрувчи оёқ берилса, нима қилардинг?

Тошбақа деди:

– Катта ариқда чўмилардим. Бу мен учун энг катта хурсандчилик бўларди.

Тулки деди:

– Сен истаган катта ариқ уч қадам нарида турибди. Қалқонингдан каллангни чиқарсанг бас, кўрасан.

Тошбақа деди:

– Буни яхши биламан! Ҳозир сира вақтим йўқ, жуда бандман!

Тулки мақсадига эришолмай қўл силтади-да, ариқ бўйлаб кетди.

Алқисса, шундай одамлар борки, улар эришса бўладиган орзулар билан яшайди-

лар, лекин унга етишишига ҳеч қачон ҳаракат қилмайдилар.

5. Тиниқ ва лойқа сув

Ёз кунларининг бирида бир ҳовуз Тиниқ сув билан бир челақ Лойқа сув учрашиб қолдилар. Шунда Тиниқ сув ўзига бино қўйиб, Лойқа сувни назарга илмади. Ва ўзича ўйлади: «Мен тоза ва тип-тиниқман, шу боис барча мени хуш кўради. Демак, мен Лойқа сувдан кўп жиҳатдан афзалман».

Шундай деб ўйлаб Тиниқ сув Лойқа сувга деди:

– Нега менга таъзим қилмай турибсан? Ахир мен сендан тоза ва тиниқман! Мени эъзозлашинг, ҳурматимни жойига қўйишинг керак!

Лойқа сув эса айёрона бир қараш қилдида, индамай тураверди. Шунда Тиниқ сув дарғазаб бўлиб деди:

– Сен шу қадар тасқарасанки, ҳатто оддий саволга жавоб беришни ҳам билмайсан!

Мен турган жойда ҳеч ким сенга назар солмайди!

Лойқа сув яқинроқ келиб, ўзининг ярмини Тиниқ сувга қўшиб юборди. Тиниқ сув эса бир зумда хира тортди-да, бўтанага айланди-қолди...

Алқисса, ҳазрат Абдуқодир Бедил айтганларидек:

*Баланд-настлар қўшилиб қолсалар агар,
Паст табиати голиб келар ҳар сафар.*

6. Буғдой ва Кўкнори

Беғубор осмон остидаги буғдойзорда бир ўзи ўсган Кўкнори чиройли гуллади. Шунда бир Буғдой Кўкнорига ҳавас билан боқиб сўради:

– Сен кимсан? Бу ерга қаердан келиб қолдинг?

Кўкнори жавоб берди:

– Билсанг, мен энг обрўли гулман! Менинг қадрим жуда баланд. Айт-чи, сен ўзинг нималарга қодирсан?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/1772> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1772> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1772>